# ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИГА САЙЛОВ: ТАЖРИБА ВА ТАМОЙИЛЛАР

## Сайловга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар такомили хусусида

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

< [1]

Таъкидлаш керакки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловларда "сайлов ўтказиш санаси" ибораси мажбурий сайлов ҳаракатларини узоқ муддат амалга ошириш жараёни сифатида ўз маъносини йўқотади. Сайлов санасини доимий равишда бир муддатга белгилаб олиш учун ҳар сафар махсус ҳужжат қабул қилиш тақозо этилади. Шу сабабли, ҳуқуқий ҳужжатларда сайловнинг қайси санада ўтказилиши аниқ белгилаб қўйилиши лозим. Фикримизча, фуқаролар йиғинларига ўтказиладиган сайловларнинг даврийлигини таъминлаш ва соддалаштириш мақсадида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига доир муддатнинг 3 йил қилиб белгиланиши мақсадга мувофиқ. Ушбу муддатнинг қонун ҳужжатларида уч йил қилиб белгиланиши ва маҳаллий сайлов муддатлари билан бир вақтда ўтказилиши бирор-бир меъёрга зид келмайди, аксинча, ўзаро бир-бирини тўлдиради.

Республикамиз қонунчилигига ушбу қўшимчалар киритилиши орқали, биринчидан, фуқаролар йиғинига ўтказиладиган сайловларнинг республика миқёсида бир кунда ўтказилишига эришилади; иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида қатъий белгиланган бевосита сайловларнинг амалга оширилиши ва, учинчидан, 117-моддада "...сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади", дея эътироф этилган тамойилларнинг амалда қўлланилиши таъминланади.

Амалиёт шуни кўрсатаётирки, аксар ҳолларда оқсоқолнинг ваколати муддатидан илгари тугатилганда, тегишли маҳаллий ҳокимият органлари тавсияси билан фуқаролар йиғини кенгаши аъзолари орасидан оқсоқол вазифасини бажарувчи танланиб, у навбатдаги сайловгача фаолият олиб боради. Мазкур ҳолатни тартибга солиш учун "навбатдан ташқари" ёки "қўшимча сайловлар" каби тушунчалар «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунда акс эттирилмаган. Эҳтимол, қонун чиқарувчи орган оқсоқолликка ўз номзодини кўрсатган шахсларнинг ваколат муддати қисқалигини инобатга олгандир. Лекин тадқиқотларнинг кўрсатишича, бир қатор йиғинларда, жумладан, 2003 йилда Тошкент шаҳар Юнусобод туманида жойлашган Абдураҳмон Жомий номидаги маҳаллада раисликка ўтказилган сайловдан икки ой вақт ўтиб, оқсоқолнинг вафот этиши муносабати билан раиснинг ўрни вакант бўлиб қолган. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддасига асосан, раиснинг (оқсоқолнинг) ваколатлари қуйидаги ҳолларда муддатидан илгари тугатилади:

- у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганда;
- фуқаролар йиғини қарор қабул қилганда;
- у белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганда;
- унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда.

Ушбу рўйхатда вафот этиши ва бедарак йўқолган деб эълон қилиниши натижасида оқсоқоллик лавозимининг муддатидан илгари тугатилиши белгиланмаган. Бироқ юқорида зикр этилган ҳолатлар амалиётда кузатилаётгани боис, навбатдан ташқари ёки қўшимча сайловларга оид тушунчаларнинг қонун доирасида ифода этилиши борасида жиддий ўйлаб кўриш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари, оқсоқол вазифаси унинг ваколат муддати тугашига бир йил ёки олти ой қолганда вакант ҳисобланса, у ҳолда эҳтимол, "оқсоқол вазифасини бажарувчи" тушунчасини қонун доирасига киритиш фойдадан холи бўлмас.

Сайловларнинг эркинлиги тамойилига кўра, фуқаро сайлов жараёнида қатнашиш ёки қатнашмаслик масаласини мустақил ҳал қилади. Англо-саксон ҳуқуқ тизимидаги аксарият хорижий мамлакатларда мазкур тамойилнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, сайлов натижаларини белгилашда неча фоиз сайловчи овоз берганидан қатъи назар (ҳатто битта одам овоз берган бўлса ҳам), сайлов ҳақиқий ҳисобланади. Сайлов натижаларига бундай ёндашишдан мақсад сайловчиларни овоз беришга билвосита мажбурлашни чеклашдир. Хорижий мутахассисларнинг фикрича, бу овоз берган фуқароларнинг сайловга лоқайд муносабатлиларга нисбатан қарам бўлишининг олдини олади, шунингдек, сайлов жараёнидаги иқтисодий харажатларнинг ошишига йўл қўймайди.

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунда эркин сайлов тамойили тўлиқ ва изчил баён этилган. Хусусан, Қонуннинг 24-моддасига асосан, фуқаролар йиғинида ҳозир бўлган фуқароларнинг ярмидан кўпининг овозини олган номзод йиғин раиси ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига сайланган ҳисобланади. Қонуннинг 25-моддасига кўра, сайловда фуқаролар йиғинида иштирок этувчилар рўйхатига киритилган фуқароларнинг ярмидан ками иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади.

Турли давлатларнинг сайлов қонунчилигида учрайдиган ушбу икки хил ёндашув муайян мунозараларга сабаб бўлади, албатта. Қолаверса, айрим ривожланган демократик давлатларда учрайдиган мажбурий вотум институти, яъни сайловчиларнинг овоз беришда иштирок этиши ҳуқуқий жиҳатдан мажбурий эканлиги ҳам бугунги кунда-ги замонавий сайлов муносабатларининг бир кўринишидир. Баъзи сиёсатчи ва олимлар сайловга қатнашишнинг мажбурийлигини демократия тамойилларига зид деб ҳисоблаcа, айримлари мамлакатнинг ҳар бир фуқароси давлат томонидан қабул қилинган қонунларга ҳурмат билан қараши лозим, деган қоидадан келиб чиққан ҳолда мажбурий вотум институтини ёқлайдилар. Ушбу тартиб Австрия, Люксембург, Туркия, Греция, Бельгия, Аргентина каби мамлакатларда жорий этилган.

Биз эътибор қаратмоқчи бўлган яна бир жиҳат шундаки, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунда сайловларни муқобиллик тамойили асосида ўтказиш қайд этилмаган.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида "муқобил" сўзига "қарши борувчи, қарши турувчи, зид", дея изоҳ берилади. Демак, сайловларда иштирок этадиган номзод жамоа томонидан қўллаб-қувватланиш имкониятига муайян даражада эга эканлигини кўрсата билиши керак. Жумладан, 2006 йил 20 майда Тошкент шаҳрининг Юнусобод тумани "Чинор" маҳалласи фуқаролар йиғинига бўлиб ўтган сайловларда фақат бир нафар номзод иштирок этган. Қолган номзодларнинг иштирок этмаслик сабаби сайлов баённомасида кўрсатилмаган. Бунда муқобиллик тамойилининг бузилиши кузатиляпти, аммо қонунда мазкур масала юзасидан бирор-бир қоида мустаҳкамланмагани боис сайлов бошқа кунга қолдирилмаган.

Муқобиллик тамойили барча сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда умумий ҳамда муҳим шартлардан биридир. Назаримизда, ушбу ҳолат демократик сайлов амалиётининг энг муҳим талабларидан бири сифатида қонунчиликда мустаҳкамланмоғи даркор.

**Гулчеҳра МАЛИКОВА, юридик фанлари номзоди, ТДЮИ доценти.**

Обод гўшалар

# ШАҲАРМОНАНД ҚИШЛОҚ

## Бу ердаги бунёдкорлик ишларини кўриб, элчилар ҳам ҳайратларини яшира олишмади

Қадим ва гўзал Қизилтепа туманидаги Бўстон қалъаси Суғдиёнадаги илк шаҳарлардан бўлиб, уч минг йиллик тарихга эга. Бу ердаги Ванғози қишлоғи ҳам қадимги гўшалардан. Тарихчилар «Ванғози»ни икки хил талқин этишади. Биринчи талқинга кўра, «вайғози», «шаҳид бўлган», деган маънони билдирса, иккинчи талқин бўйича «банғ» сўғдча «ибодатхона», «зи» форсча «жой», «ўрин»ни билдириб, «ибодатхона ўрни», «ибодатхона жойлашган жой» маъносини англатиши айтилади. Қишлоқнинг Мирҳошимтепа деган жойида амалдорлар яшашган. Ислом дини кириб келгач, икки синчли чўпкори масжид қурилган. Кейин маҳобатли Тошмасжид, масжид ёнида икки қаватли мадраса, минора ҳамда тошҳаммом, ёпиқ бозор бунёд этилган.

Санъатшунослик фанлари доктори Мавлуда Юсупованинг изланишларига кўра, Тошмасжид ва минора бухоролик машҳур уста Хожа Саъд Жўйборий томонидан 1585-1586 йилларда бунёд этилган бўлиб, бу тарихий ёдгорлик ўз меъморий услуби билан Марказий Осиё меъморчилиги тарихида муҳим аҳамиятга эга.

Ўтган асрнинг 20-йилларида Ванғозида ҳар ҳафтанинг жума кунлари катта бозор бўлган. Маҳаллий аҳоли тилида бу «Қишлоқ сарбозори», деб юритилган. Шўролар даврида Тошмасжид ёнидаги икки қаватли мадраса, тошҳаммом, ёпиқ бозор бузиб ташланиб, қишлоқ харобага айлантирилган. Мустақиллик туфайли бошқа кўпгина тарихий обидалар қатори, Тошмасжидда ҳам таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. 2005 йили туман ҳамда вилоят ҳомийлари томонидан беш юз миллион сўмдан ортиқ маблағ йиғилиб, масжид мукаммал таъмирдан чиқарилди. Қишлоқ аҳли Наврўз айёми, Рўза ва Қурбон ҳайитларини Тошмасжид саҳнида нишонлашади.

Ванғози марказидан ўтувчи "Қизилтепа — Когон" катта автомобиль йўли бўйида «Ванғози оқшоми» тўйхонаси мавжуд. Унинг олд томонидаги икки қаватли сервис хизмат мажмуаси тадбиркор Бобожон Каримов томонидан бунёд этилган. «Азизон» минимаркети, кўп йилдирки, харидорларга хизмат кўрсатиб келаётир. Яна бир тадбиркор Жобир Темиров қураётган савдо маркази яқин кунларда фойдаланишга топширилади. Муҳаммад Йўлдошев ҳам қишлоқ кўркига кўрк бағишловчи бино барпо этмоқда.

Қишлоқ ҳудудидаги Қурилиш, уй-жой ва коммунал хизмат касб-ҳунар коллежи тумандагина эмас, балки вилоятда ҳам ўз мавқеига эга. Дарвоқе, қишлоқдаги «Ғунча» болалар боғчаси икки қаватли шинам бинода жойлашган. Қишлоқ ўртасидан ўтувчи шоҳкўча 2008 йилда тўла таъмирланди. Бу ишга тўрт юз миллион сўм сарфланди. Айни кунларда шаҳармонанд қишлоқ аҳли ўз гўшаларини янада обод, файзли қилиш учун баҳамжиҳат меҳнат қилишмоқда.

Яқинда бу қишлоқда Чехия, Германия, Румыния, Франция, Словакия, Болгария, Польша Республикаларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари меҳмон бўлишди.

«Ванғози оқшоми» мажмуасида меҳмонларни кутиб олиш маросими бўлди ва қишлоқдаги боғча ҳамда мактаб ўқувчилари уларга гуллар совға этишди. Меҳмонлар Тошмасжид тарихий ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилгандан сўнг, қишлоқ ҳудудидаги Қурилиш, уй-жой ва коммунал хизмат касб-ҳунар коллежида, «Оқмасжид» маҳалласида бўлиб, ўқувчиларга яратилган шароитлар ҳамда аҳолининг турмуш тарзи билан танишдилар. Элчилар «Ванғози»да амалга оширилаётган ишларни кўриб, ҳайратларини яшира олишмади. Меҳнаткаш халқимизнинг бунёдкорлигига тасаннолар айтишди.

**Раҳим МАҚСУДОВ, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси.**

# АНДИЖОН ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

< [1]

Ўтган йили ишга туширилган Андижон шаҳар "Ёшлар маркази"да йигит-қизлар кўплаб касб-ҳунар сирларини ўрганмоқда, спортнинг ўндан ортиқ тури билан шуғулланмоқда. Марказ 800 ўринли тўйхона, ахборот-ресурс маркази, болалар шаҳарчаси ҳамда ўқув марказларини ўз ичига олган.

Шаҳарнинг Боғишамол даҳасидаги Бобур боғи ҳар доим андижонликлар ҳамда меҳмонлар билан гавжум. Бу ерда турли аттракционлар, дам олиш масканлари уларга намунали хизмат кўрсатади. Айниқса, бу ердаги Бобур ва жаҳон маданияти музейи юртимизнинг турли ҳудудларидан ва хориждан келган меҳмонларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Музейда 300 га яқин нодир қўлёзма сақланади. Улар орасида улуғ бобомиз яратган "Хатти Бобурий" алифбосида битилган Қуръони карим, "Бобурнома"нинг испан тилидаги нусхаси, бу мумтоз асарнинг Ҳайдаробод нусхасининг фотофаксимал нашри алоҳида ўрин эгаллайди.

— Ҳар куни бу ерга кўплаб ҳамюртларимиз ташриф буюради, — дейди музей ходими Холида Сўфиева. — Заҳириддин Муҳаммад Бобур қолдирган бой мерос барчага бир олам ғурур бахш этади. Она заминимизда туғилиб ўсган ана шундай буюк аждодларимиз, алломаларимизнинг ҳаёт йўли, бой ва бебаҳо маънавий мероси барчамиз учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Шаҳардаги "Деҳқон бозори", "Буюм бозори" ҳам кейинги йилларда тубдан қайта реконструкция қилинди. Уларда сотувчи ва харидорлар учун барча шароитлар яратилган.

Хуллас, бугун Андижон аҳли улкан бунёдкорлик ишларидан мамнун, эл-юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиш бахти, дориломон, тинч ва осойишта кунлардан шукроналик ҳисси билан яшамоқда.

**М.СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири.**




Носир ХАЙДАРОВ олган сурат.

**Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган намунали маҳаллалардан бири Мирзо Улуғбек номидаги фуқаролар йиғини ҳудудида 4,5 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда. Ҳудудда кўплаб ҳовлилар, 14 та кўпқаватли уй, 22 та обод ва кўркам кўча мавжуд. Маҳалла ҳудудидаги бешта спорт майдончаси болалар ихтиёрига бериб қўйилган.**

**— Маҳалламиз аҳолисининг асосий қисмини зиёлилар ташкил этади, — дейди йиғин раиси Зиёвуддин Аброров. — Барча тўй ва маросимларни фаолларимиз билан ҳамжиҳатликда, бамаслаҳат, тартибли ва исрофгарчиликларсиз ўтказиб келяпмиз.**

**СУРАТДА:** *(чапдан биринчи) йиғин раиси З.Аброров маҳалла фаоллари билан.*

Оқсоқолнинг бир куни

# РАИСНИНГ ТИНИБ-ТИНЧИМАСЛИГИ

## маҳалладаги муаммоларни ҳал этишда асосий омил бўлаётир

Жиззах шаҳридаги Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Раҳмат Бозоров 14 йилдан буён маҳаллани ободонлаштириш, аҳоли ўртасида маънавий-маърифий тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиш, ички инфратузилмани тубдан яхшилаш, ишбилармон ва хусусий тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратишдек эзгу ишларга бош-қош бўлиб келаётир. Сўнгги икки йилда 40 тага яқин савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриб ишга туширилди.

Маҳалла ҳаёти билан танишиш мақсадида эрталаб бу ерга етиб келганимизда Раҳмат ака Мустақиллик кўчасида истиқомат қилаётган аҳоли билан очиқ мулоқот ўтказаётган экан. Қизғин давом этаётган мажлисда оқсоқол саволларга босиқлик билан, аниқ ва лўнда жавоб берарди.

— Шаҳар ҳокимлиги ва ҳомий ташкилотлар билан бир тўхтамга келдик, — деди у. — Кўчаларига чироқлар ўрнатиш, асфальт ётқизиш масаласи яқин бир ой ичида ниҳоясига етказилади. Албатта, маҳалламиз доирасидаги ҳар бир ишда сизларнинг кўмагингиз керак...

Мажлисдан сўнг оқсоқол кўча бошилар ва посбонлар сардорини ёнига чорлаб, уларга ҳам тегишли топшириқларни берди. Кейин маҳалла масжиди учун ажратилган бинода реконструкция ишларининг бориши билан қизиқди.

— Яқинда маҳалламиз масжиди қайта рўйхатдан ўтказилди, — дейди Раҳмат Бозоров. — Бинони таъмирлашда саховатпеша инсонлар ҳомийлик ёрдамини кўрсатяпти. Масжид Ўзбекистон Мусулмонлари идораси йўриқномаси асосида, барча шароитларга мослаштирилган ҳолда таъмирланмоқда. Бу ерга хориждан 14 миллион сўмлик жиҳозлар келтирилиши мўлжалланган.

Бугунги кунда маҳалла ҳудудида 51 та ишлаб чиқариш корхонаси мавжуд. Маҳалла аҳлининг аксарияти шу муассасаларда ишлайди. Саноат, қурилиш ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 10 дан зиёд корхоналарнинг мустақиллик йилларида қуриб ишга туширилгани маҳалла қўрғонининг янада обод ва кўркамлашишига имконият туғдирмоқда.

Шу куни корхона ходимлари йиғин фаоллари билан биргаликда маҳаллада ҳашар ўтказаётган экан. Раҳмат ака ҳашарчилардан ҳол сўрагач, идорага йўл олди. Идора қошида бир гуруҳ маҳалладошлар уни кутишаётганди. Раис уларнинг муаммолари билан қизиқди, ҳар бири билан алоҳида гаплашиб маслаҳатлашди.

— Йиғинимизда бу менинг ишим эмас, деган гап йўқ. Ҳаммамиз оқсоқолнинг топшириғи асосида ишлаймиз. Бажарилиши лозим бўлган муҳим вазифаларни кўпинча раис ўз зиммасига олади. Биз ҳам қараб турмаймиз. Ҳар куни эрталаб ўтган кун натижалари юзасидан фикр алмашамиз, раисдан янги топшириқлар оламиз. Албатта, менинг зиммамдаги асосий вазифалар хотин-қизлар масаласига тааллуқли, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Қандолатхон Мираҳмедова. — Раҳмат Бозоровни маҳалладошларимиз эъзозлаб «раис бобо», деб аташади. Бу унинг элга қилаётган хизматларининг эътирофи. Оқсоқол ҳар қандай шароитда ҳам одамлар кўнглига йўл топа олади, уларнинг дардини сабр-қаноат билан тинглайди, зарур бўлганда муаммоларини ҳал қилиш чораларини кўради.

Касаначилик фаолиятининг жонланиши эвазига маҳалла аёллари доимий иш билан таъминланди. «Кўк бозор» савдо мажмуаси ҳудудида 100 дан зиёд дўкон ишлаб турибди. Бу ерда маиший хизматнинг барча турлари бўйича буюртмалар бажарилади. Маҳалла аҳли юртимиз мустақиллигининг 18 йиллигига ҳозирданоқ қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Буни ҳудудда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларида кўрса бўлади.

— Маҳалламизда тез-тез маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб турилади. Шаҳар ва вилоят миқёсида ўтказиладиган барча кўрик-танловларга жиддий тайёргарлик кўрамиз. Хусусан, аёлларимизнинг фаол иштирокида бундай танловларнинг кўпчилигида муносиб ютуқларга эришяпмиз. Оммавий спорт мусобақаларида эса, маҳалламиз ёшларининг қўли баланд, — дейди йиғин раиси.

Шу куни яна тўртта корхонада бўлиб, Р.Бозоровнинг саъй-ҳаракатлари билан маҳалла ҳаётига тааллуқли бир қатор масалалар ечим топганига гувоҳ бўлдик. "Излаган имкон топар", деганларидек, раиснинг тиниб-тинчимаслиги маҳалладаги муаммоларни ҳал этишда асосий омил бўлаётир.

**Абдували ҚАРШИЕВ, «Mahalla» мухбири.**

Бало-қазолардан йироқ бўлайлик!

# БЕБАҲО ВАКЦИНА

## ОИТС — бедаво дард. Лекин шахсий гигиенага қатъий риоя қилиш, халқимизга хос юксак ахлоқ бу кулфат йўлига мустаҳкам тўсиқ, бебаҳо вакцина бўла олади.

БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури (ЮНЕЙДС) маълумотларига кўра, сайёрамизда ҳамон ушбу касаллик бўйича мураккаб эпидемиологик вазият сақланиб қолмоқда. Ҳозир дунёда ОИВ инфекциясини юқтирганлар сони 33 миллиондан ошган. Эпидемия бошланганидан буён бу хасталик 25 миллиондан зиёд одамнинг умрига зомин бўлди.

Кейинги йилларда ОИТС, айниқса, ёшлар орасида кўп тарқалаётгани ташвишланарлидир. Олимлар ўн йиллардан буён изланиш олиб боришаётганига қарамай, ҳали бу "вабо"ни даволайдиган восита яратилгани йўқ.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида, хусусан, тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий маданиятни ошириш, соғлом фарзандни дунёга келтириш, ўсиб келаётган авлодни турли иллатлар таъсиридан асрашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йил 26 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан ишлаб чиқилган 2009-2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалиши профилактикаси бўйича саъй-ҳаракатлар миллий режаси бу йўналишдаги ишлар миқёсини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Юртимизда ОИВ/ОИТС эпидемияси тарқалишига қарши кураш дастури ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Бунда нафақат тиббиёт муассасалари, балки таълим, ҳуқуқ-тартибот идоралари, маҳаллалар, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳам фаол иштирок этаётир. Қон хизмати хавфсизлигини таъминлаш ва донорликни ривожлантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилган. Турмуш қураётган йигит-қизларни тиббий кўрикдан ўтказиш тизими йўлга қўйилгани оилада соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишини таъминлашга хизмат қилмоқда. Аҳоли, айниқса, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, йигит-қизларни турли салбий иллатлар таъсиридан асрашда махсус қўлланмалар, ўқув адабиётларини кўпайтириш ва тарқатиш яхши самара бераётир.

Кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, жаҳон миқёсида олиб қаралганда ҳам, мамлакатимизда ҳам инсон саломатлиги ва келажак авлод камолотига жиддий таҳдид солувчи бундай оғир хасталиклар, асосан, номақбул турмуш кечираётганлар ва гиёҳвандлар орасида кўп учрайди. ОИВ/ОИТСнинг кенг тарқалишига асосий сабаб заpарланган, аввал ишлатилган шприцлардан фойдаланишдир. Демак, бу каби иллатларга қарши комплекс кураш олиб борилсагина кутилган натижага эришиш мумкин. Зотан, халқимизда касални даволагандан олдини олган яхши, деган гап бор. Шундай экан, халқнинг келажагини ўйлаган ҳар бир инсон гиёҳвандликнинг, ОИТСнинг олдини олишга ўз ҳиссасини қўшиши керак.

Яна бир муҳим масала — болалар, ўсмирлар, балоғат ёшидагиларнинг бўш вақтини қандай ўтказаётганини жиддий кузатиш лозим. Шундай кузатув хулосасига таянган ҳолда ҳар бир ота-она фарзандининг қизиқишидан келиб чиқиб, уни гўзаллик оламига — рассомлик ва ҳайкалтарошлик, кино ва театр, мусиқа ва спорт сари дадил етаклаши табиий иммунитетни шакллантиришдаги дастлабки қадам бўлади. Халқимизнинг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби инсоний фазилатлар ана шундай негизда қарор топганига гувоҳ бўламиз.

Қарс икки қўлдан чиқади. Шу маънода, мактабларимизда ўтилаётган саломатлик дарслари тартибини қайта кўриб чиқиш вақти келди. Уни маълумот учун маъруза қилинадиган дарслар сирасидан ўқув йили якунида имтиҳон топширадиган предметлар қаторига ўтказган маъқул. Ўқувчилар имтиҳон ёки синов топширишини билсагина дарсга масъулият билан ёндашади. Бинобарин, мавзуга қайта-қайта мурожаат қилиш натижасида жирканч иллатнинг оқибатларини ҳам секин-аста англай бошлайди.

Ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаш келажагимизни таъминлашнинг муҳим омилидир. Шу боис, мамлакатимизда жисмонан ва маънан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгаши йиғилишида Юртбошимиз таъкидлаганидек, спорт — соғлом авлод, соғлом келажак, демакдир.

Мазкур йиғилишда давлатимиз раҳбари болалар спорти билан бир қаторда, мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини жонлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янгиларини қуриш ишларини жадаллаштириш, бунинг учун маблағни аямаслик кераклигига мутасаддилар эътиборини жалб қилди.

— Спорт ва санъат уйғунлигида камол топган бола ҳеч қачон ёмон йўлга юрмайди, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози Пўлат Усмонов. — Инсон учун биринчи бахт соғлиқ бўлса, иккинчи бахт гўзалликдир. Спорт танамиз саломатлигини асрашнинг гарови бўлса, санъат руҳиятимизга озуқа беради, эзгу туйғуларни уйғотади. Шунинг учун ҳам қатор йиллардан буён мамлакатимизда уюштирилаётган мусобақаларни «Ўзбекистон таэквондочилари — гиёҳвандликка, ОИТСга қарши» шиори остида ўтказиб, беллашувларнинг очилиш ва ёпилиш маросимларига таниқли хонандалар, кино ва театр намояндаларини, машҳур рассом ва режиссёрларни таклиф қиляпмиз. Бундай мулоқот ва учрашувлар кўпчиликда спортга, санъатга чинакам ишқибозлик туйғуларини тарбиялаётир.

ОИТС юқишига сабаб бўладиган гиёҳвандлик, ахлоқий бузуқлик халқимизга, миллатимизга ёт иллатлардир. Шу боис, фарзандларимизни маданиятли ва юксак маънавиятли инсонлар этиб тарбияласак, аср ўлати аталмиш бундай кулфатларнинг йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйган, бебаҳо вакцина яратган бўламиз.

**Озод РАЖАБОВ, журналист.**

